



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Бугун, 22 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси очилади.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ишчи гуруҳ раҳбарининг бўлажак ялпи мажлисини ўтказишга тайёргарлик тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Сенат кўмиталарининг раислари кўмиталарнинг мажлислари ўтказилганлиги тўғрисида ва ўн иккинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар юзасидан хулосалар, бошқа масалалар юзасидан қарорлар лойиҳалари тўғрисида ахборот бердилар, мажлис ишлари ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Кенгаш мажлисида таъкидланганидек, Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида 8 та масала, шу жумладан, 4 та қонун кўриб чиқиши мўлжалланмоқда.

Кенгаш аъзолари Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган «Тожикистон «Талко» ДУК корхонасининг ишлаб чиқариш фаолияти экологияга ва одамлар соғлиғига кўрсатаётган ҳалокатли таъсири бартараф этиш чоралари тўғрисида»ги масаланинг ва сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислох қилиш ва либераллаштиришга,

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Булар «Гаров реестри тўғрисида»ги, «Одамнинг иммунитет танқислиги вирус келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги, «Мувофиқлини баҳолаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларидир.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.



## Юксак ишонч ва масъулият ифодаси

Мамлакатимизда инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликнинг таъминлаш, халқимиз ҳаётининг янада эркин ва обод бўлишига эришиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар бугун ўзининг кутилган самарасини бермоқда.

### КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Бунда миллий ва халқчил бошқарув идораси бўлган маҳалланинг ўрни ва таъсири тобора ошиб бораётганини, айниқса, эътиборга лойиқ. Шу боис мазкур институтнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида аҳамият қаратилади. Бунинг натижасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг демократик ислохотлар жараёнидаги иштироки йилдан-йилга салмоқли бўлиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас.

Бугун тизимда фаолият кўрсатаётган 40 мингга яқин ходимлар томонидан ҳудудда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, маъна-

вий муҳит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она-Ватанга ва миллий истиқлол гоёсига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бандлик масаласини ҳал этишга қўмаклашиш, оилаларни мустаҳкамлаш каби бир қатор вазифалар изчиллик билан бажарилмоқда. Уларнинг бу борадаги самарали меҳнати давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида эканлиги ҳам маҳалла институтини ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилаётганлигидан далolat бериб турибди. Хусусан, Президентимизнинг жорий йил 24 июлдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими-

даги ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони бунинг ёрқин исботи бўлди.

Кеча пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўртбошимиз Фармонига биноан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли ишларга қўшган салмоқли ҳиссаси учун давлат мукофотларига сазовор бўлган бир гуруҳ тизим ходимларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар маҳалла институтининг давлат ва жамият ҳаётидаги мавқеини янада ошириш, фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тизим фаоллари меҳнатини рағбатлантириш соҳасида кенг қўламли чоратadbирлар кўрилаётганлигини эътироф этишти. Айни пайтда бундан юксак ишонч тизим фаолларидан қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга масъулият билан ёндашиши ҳамда ташаббускорлик ва фидойилик кўрсатиши талаб этиши таъкидланди.

(Давоми 2-бетда.)

## хабарлар

■ Сирдарё вилоятининг Гулистон, Янгиер, Ширин шаҳарлари ва Ховос, Боёвут, Мирзаобод туманларида Хитойнинг «ZTE» компанияси технологияси асосида 32 та замонавий телефон станцияси ишга туширилди.

### Рақамли телефон станциялари

Бунинг учун ҳудуддаги алоқа тизими халқаро андозаларга мослаштирилиб, қарийб 20 километр масофага оптик толали алоқа кабеллари ётқизилди. — Янги тизимнинг афзалликлари кўп, — дейди, «Ўзтелеком» акциядорлик компанияси Сирдарё филиали тижорат директори Анвар Арзикулов. — Энди улар мазкур тармоқ орқали бевосита телефон алоқаси билан бирга, интернет телевидение, юқори тезликдаги интернет ва бошқа қўшимча хизматлардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Аҳмадли ШЕРНАЗАРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

■ «Индорама-Кўкон текстиль» Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонаси қисқа фурсатда энгил санатимизнинг етакчи ишлаб чиқариш субъектларидан бирига айланди.

### Маҳсулотнинг асосий қисми — экспортга

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги байрами арафасида бу ерда лойиҳанинг иккинчи босқичи амалга оширилди.

— Илгари корхонамизда 400 нафардан зиёд киши меҳнат қилган бўлса, янги лойиҳа туфайли уларнинг сони яна 350 кишига ортди, — дейди директор Равшанбек Тожиев. — Эътиборлиси, жамоамиз аъзоларининг 160 нафарини шу йил шаҳардаги касб-хунар коллежларини битирган

ийгит-қизлар ташкил этади. Улар Швейцария, Германия, Япония каби тўқимачилик санати ривожланган давлатлардан келтирилган замонавий асбоб-ускуналарни моҳирлик билан бошқаришмоқда. Эътиборлиси, лойиҳа шарофати билан корхона қуввати икки баробарга ошди. Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган маҳсулотнинг 87 фоизи хорижий буюртмачиларга жўнатиляпти.

Набижон СОБИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Ромитан туманидаги «Муғонча» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда «Меҳнат-роҳат» шаҳарчаси фаолият бошлади. Вилоятдаги дастлабки шундай шаҳарча давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги натижасида вужудга келди.

### «Меҳнат — роҳат» шаҳарчаси

— «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида барпо қилинган бу маскан даладаги мавсумий юмушларга жалб этилган хотин-қизларга мўлжалланган бўлиб, унда унумли меҳнат қилиш, бўш вақтни мазмунли ўтказиш учун барча қулайлик яратилган, — дейди туман хотин-қизлар кўмитаси мутахассиси Мухсино Шукурова. — Ижтимоий лойиҳа доирасида бу ерда кутубхона, кўча мини-банк, маънавий ва маърифат хонаси, гўзаллик саломи ҳамда турли сервис хизмати шохобчалари фаолияти йўлга қўйилди.

Вилоятдаги бошқа туманларда ҳам шундай лойиҳаларни амалга ошириш тадбирлари кўрилмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Навоий шаҳридаги «Жасур Навоий сервис» хусусий корхонасида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун банк томонидан ажратилган 73 миллион сўмлик кредит маблағи йўналтирилди.

### Иш унумдорлиги ошди

— Замонавий технологияларимиз иш унумдорлигини оширмоқда, — дейди корхона раҳбари Гулмира Шодиева. — Қолаверса, улар электр энергияси сарфини икки баробарга тежайди. Бу эса маҳсулотларимиз сифатини яхшилаш ҳамда таннархини арзон-

лаштириш имконини бера-япти. Айтиш жоизки, келгусида корхона жамоаси ўз фаолиятини кенгайтириб, турли ширинликлар ишлаб чиқаришни ҳам режалаштирган.

Азमत ЗАРИПОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Асака туманида жорий йилнинг олти ойида янги қувватларни ишга тушириш, кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил этиш ҳисобига 1967 та иш ўрни яратилди.

### Кичик корхоналар ҳиссаси

Бунда «Санжар Б» хусусий корхонасининг ҳам ҳиссаси бор. Йилига 220 минг жуфт пайпоқ тайёрлаш қувватига эга мазкур кичик бизнес субъекти фаолиятини йўлга қўйиш учун банк кредити ҳамда жамоанинг ўз маблағидан самарали фойдаланилди. Пировардида ундан ортик кишининг бандлиги таъминланди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Мақтаб ярмаркалари

ота-оналар ва ўқувчиларга қулайликлар яратмоқда



Санокли кунлардан сўнг республикамиздаги барча таълим масканларида янги ўқув йили бошланади. Айни кунларда эса ўқувчи-ёшлар ота-оналари, яқинлари билан биргаликда ўқув машғулотлари учун зарур жиҳозлар, ўқув қуроллари, мактаб

### ТАЪЛИМ

кийимлари харид қилишга ошиқилмоқда. Албатта, бу жараёнда ҳам сифатли, ҳам арзон, ҳам замон андозаларига мос маҳсулотлар ва буюмларга талаб юқори бўлади. Жорий йилнинг 10 августидан республикамизнинг барча шаҳар ва туманлари марказларида, шунингдек, мактаблар, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мактаб товарлари ва ўқувчилар формалари сотиладиган ярмаркалар ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда.)

### ТАНЛОВ

Эътибор ва рағбат кишини ташаббускорликка ундайди, эзгу ишларга даъват этади. Зотан, юртимизда баркамол авлод тарбияси, миллат манфаати, қисқача айтганда, Ватан равнақи учун меҳнат қилган, изланган, интилган киши борки, унинг меҳнати рўёбга чиқиши шубҳасиз.

## Ижодий салоҳият ва рағбат

Бу ҳақда пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган «Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танлови қолибларини тақдирлаш маросимида ҳам алоҳида таъкидланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, санъат ва маданият намояндалари, шоир ҳамда ёзувчилар иштирок этган мазкур тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ижодкорларнинг эркин ва самарали меҳнат қилиши, ўз қобилияти ҳамда иқтидорини тўла намойён этиши

учун улкан имкониятлар яратилганини таъкидлашди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарориди «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий республика кўрик-танловини юксак савияда ўтказиш белгиланган. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюмаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюмаси, Ёзувчилар уюмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбеккино» миллий агентлиги,

(Давоми 2-бетда.)

БИР  
РАҚАМ  
ШАРҲИ

2013 йилнинг олти ойида мамлакатимизда иқтисодий жиҳатдан  
ночор корхоналар фаолиятини қайта тиклаш учун  
**1408,2**

миллиард сўмлик инвестициялар йўналтирилди.

Иқтисодий жиҳатдан ноцор корхоналарни қайта ташкил этиш ва молиявий соғломлаштириш, уларни янги мулкдорларга топшириш бўйича чора-тадбирлар доирасида амалга оширилган бу ишлар натижасида шундай субъектларда ишлаб чиқариш тўлиқ йўлга қўйилди, тайёрланган маҳсулотларнинг салмоқли қисмини экспорт қилишга эришилди.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Айтиш лозимки, фуқаролар йиғинлари фаолларининг самарали иш юриштилари учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида биргина жорий йилнинг ўтган даврида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан 191 йиғин биноси реконструкция қилинди, 712 таси компьютер жамланмаси, 749 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди. Бун-



# Юксак ишонч ва масъулият ифодаси

дан ташқари, 32 та замонавий маҳалла биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. Маҳаллаларда 134 та болалар майдончаси барпо этилиб, 485 таси қайта тасмириланди. Тадбирда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида самарали фаолият кўрсатаётган 60 нафар ходимга давлат мукофотлари тантанали равишда топширилди.

**Тожибар Юлдашева, Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги "Шахрихонсой" шахарча фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, "Эл-юрт хурмати" ордени соҳибаси:** — Маҳалла мўътабар бир оилга ўхшайди. Ушбу оиланинг юмушларини сикдидидан бажариш, ҳар бир кишининг яхши кунида ҳам, ёмон кунида ҳам бирга бўлиш, уларнинг ташвишини ўз ташвиши, кувончини ўз кувончим, деб билиш йиғин маслаҳатчиси-нинг энг муҳим вазифасидир. Шу қондани ўзимга дастуриламал қилиб олганман. Ҳозирги пайтда маҳалламизда 2 минг 600 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ҳар бири қизиқши ва озуларидан хабардоримиз. Тарғибот ишлари изчил амалга оширилаётгани боис сўнгги уч йилда ҳудудда бирорта ноини оилалар ва ажримлар қайд этилмади.

Бу борадаги камтарона меҳнатларим Президентимиз томонидан юксак баҳолаб, давлат мукофоти билан тақдирланганимдан бошим кўкка етди, кувончимнинг чеки йўқ. Ўз навбатида, ушбу мукофот мени янада ғайрат-шижоат, масъулият билан ишлашга ундайди. Келгусида ҳам оилалар тинчлиги, маҳалламиз ободлиги, ёшлар тарбияси, миллий урф-одат ва анъаналаримизни тарғиб этиш, аҳоли бандлиги билан боғлиқ вазифаларимни астойдил бажаришга бор куч-ғайратимни сарфлайман.

**Бахмал Жўраева, Жиззах вилояти Бахмал туманидаги "Сарой" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, "Меҳнат шухрати" ордени соҳибаси:** — Маҳалла тизимида фаолият юритаётган ходимлар меҳнати доимо давлатимиз томонидан

қадрлиниб келинаётганини ҳар қанча эътироф этсак арзийди. Юртбошимизнинг яқинда эълон қилинган Фармони эса тизим фаолларига кўрсатилаётган эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди, десам, муболага эмас. Бизга билдирилаётган бундай юксак ишонч ва рағбат зиммамизга янада улкан масъулият юклайди. Зеро, маҳалла раислари томонидан амалга оширилиши керак бўлган ишлар ҳали жудаям кўп. Айниқса, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, аҳоли ўртасида "Обод турмуш" ғоясини кенг тарғиб этиш, ҳудудда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ободончилик ва бунёдкорлик ишларини изчил давом эттириш ва аҳоли, хусусан, ёшлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш доимий эътибор қилишимиз керак бўлган вазифалардан ҳисобланади.

**Марҳабо Палванова, Навоий вилояти Навоий шаҳридаги "Матонат" маҳалла фуқаролар йиғини масул котиби, "Дўстлик" ордени соҳибаси:** — Фаолиятим давомида ҳудудимиздаги ҳар бир оилани чуқур ўрганиб, кам таъминланган, эҳтиёжман фуқароларни аниқлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўналишида тизимли ишларни амалга оширяпмиз. Йиғин идорасига келаётган ҳар бир фуқаро мурожаатининг муҳиятида унинг ҳаёти, тақдири ётади. Буни дилдан ҳис этган ҳолда фаолият кўрсатаёямиз. Ана шу меҳнатим юқори баҳолаб, давлат мукофотида сазовор бўлганимдан ниҳоятда хурсандман. Юртбошимизга катта раҳмат. Албатта, бу ютуқ нафақат меники, балки маҳаллада яшовчи барча фаолларникидир.

Шу топда маҳаллада "Обод турмуш", "мустақкам оила" ғояларини аҳоли онига чуқур сингдириш, ижтимоий ҳаётда уларнинг амалий ифодасини қарор топтириш, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтиришга қаратилган ишларни янада кучайтиришни дилимга тугиб қўйдим.

**Лутфия САФАРОВА, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти бўлими бош мутахассиси, "Дўстлик" ордени соҳибаси:** — Фаолиятимиз давомида фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари ҳамда комиссиялар аъзолари билан ҳамкорликда ишляямиз. Хусусан, маҳаллалар маслаҳатчиларига йиғин ҳудудидаги фуқаролар, шу жумладан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаш ва ривожлантириш ишларини тизимли равишда амалга оширилиши учун зарур услубий, амалий ёрдам кўрсатиш асосий вазифаларимиздан саналади. Шундан келиб чиқиб, яқинда янги тахрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунда белгиланган асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар ишини ташкил этиш, йиғинлар томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, ижтимоий шериклик муносабатларини кенгайтириш, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш каби йўналишлар бўйича услубий ва амалий кўмак бераёямиз.

Давлатимиз раҳбарининг маҳалла тизими ходимларини бир гуруҳини тақдирлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб, кўп йиллик иш фаолиятим бир-бир кўз олдидан ўтди, ҳаяжонландим. Мукофотланганлар орасида "Маҳалла" фонди тизими ходимлари ҳам борлигини қўриб, жуда қувондим. Бу эътибор "Маҳалла" фондининг барча ходимларига қаратилган, деб биламан. Шу боис Юртбошимизга тизим ходимлари номидан ташаккуримни бидираман. Тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев сўзга чиқди. Таниқли санъаткорлар чиқишлари кечига байрамона шукҳ бағишлади. Тадбир доирасида вилоятлардан ташриф буюрган маҳаллалар фаоллари пойтахтимизда истиқол йилларида бунёд этилган иншоотлар ҳамда диққатга сазовор жойлар билан ҳам яқиндан танишдилар.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири:** Ёлқин ШАМСИДИНОВ ва Шомурот ШАРАПОВ олинган суратлар.

# Эзгу ташаббуслар, амалий лойиҳалар

*"Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми" нодавлат нотижорат ташкилоти бугун тадбиркорлик қилиш иштиққиди бўлган, яратувчанлик туйғуси билан яшаётган юртдошларимизнинг ташаббусларига қанот, ишларида маслақдош бўлмоқда.*

## ИЗЛАНИШ

Айни чоғда мазкур ташкилот юртимиздаги бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият олиб бораёпти. Хусусан, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Касаба уюмлари Федерацияси Кенгаши, Марказий банк, "Ўзбекистон ипаги" уюшмаси, "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси ва Микромалиялаш институтлари миллий уюшмаси каби таъсисчи ташкилотлар билан биргаликда "Оилавий тадбиркорлик — жамият тараққиётининг гарови" лойиҳасини амалга ошираётгани бунинг яққол далилидир.

Лойиҳа доирасида оилавий бизнес вакиллари учун бир қатор тренинглар ўтказилиши кўзда тутилган бўлиб, айни пайтгача барча ҳудудлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида 5 мингдан зиёд ана шундай тадбирлар ташкил этилди. Уларда тадбиркорликни бошлаш арафасида турган, бироқ бошланғич маб-

лағ ва етарли кўникмага эга бўлмаган юртдошларимиз фаол катнашди. Қайд этиш жоизки, ушбу йўналишдаги ишларни янада кенгайтиришимизда Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуни дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжат нафақат оилавий тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни мувофиқлаштиради. Шу билан бирга, оилавий корхона иштирокчилари ҳамда ёлланма ходимларнинг ижтимоий муҳофазаси, фаолият эркинликлари каби масалаларни ҳам қамраб олади.

Мазкур лойиҳа тадбиркорлигининг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида бизнес юритишда юзага келган миллий анъаналаримиз, ҳужжали юритиш фаолиятининг мавжуд холатига тўла мос бўлган оилавий тадбиркорлик фаолиятини кенг ёйиш ва унинг афзалликларини тарғиб қилишга қаратилгани билан аҳамиятга эришди. Лойиҳанинг

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказилган туман ҳамда шаҳар босқичларида 5000 нафарга яқин иштирокчи қамраб олинди. Бунинг натижасида бугунги кунга қадар мингдан зиёд иш ўринлари ташкил этилди.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, машғулотлар, амалий анжуманларда ҳамкор ташкилотларнинг экспертлари томонидан фуқароларга бизнес юритиш асослари юзасидан сабоқлар, солиққа тортиш ва ҳуқуқий масалаларга оид маслаҳатлар берилмоқда. Лойиҳа иштирокчиларининг кредит ва молия соҳасидаги билимларини ошириш, шунингдек, бизнесни ташкил қилиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш ва бизнес-лойиҳаларни тузишга амалий ёрдам кўрсатилади. Жойлардаги мутахассислар томонидан оилавий тадбиркорлик учун кўзда тутилган шарт-шароитлар ва имтиёزلардан самарали фойдаланиш ҳамда дастлабки сармоя учун кредит олиш жараёни тўғрисида тушунириш ишлари олиб борилади.

Машғулотлар замонавий инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ўтказилиб, иштирокчилар мавзуга оид қизиқарли материаллар билан таъминланди, кичик гуруҳлар-

да аёлларнинг ижтимоий-сийсий фаоллигини ошириш билан боғлиқ мавзуларда интерактив мулоқотлар қилинди. Бундай сабоқлар давомида қатнашчилар оилавий бизнес, тадбиркорлик соҳасидаги билим ва кўникмаларини янада бойитишга муваффақ бўлдилар. Худди шунингдек, мақсадли ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан ва маънан баркамол қилиб тарбиялаш мақсадида "Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми" ННТ "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан биргаликда жорий йилда "Спорт майдончалари — ҳар бир маҳаллада" акциясини ўтказаяпти. Унга қўра, ҳар бир аҳоли пунктида мавжуд спорт майдончаларини қайта таъмирлаш ва янги кичик стадионларни қуриш бўйича аниқ режа асосида иш олиб борилаётган. Бу, шубҳасиз, ёшларнинг комил инсон сифатида улғайишлари учун хизмат қилади.

Муҳими, Форумнинг ташаббуслари, лойиҳалари юртдошларимиз томонидан муносиб кутиб олинаётган. Бу эса мутасаддиларни янада излашнига, эл-юрт ривожига катта ҳисса қўшишга ундамоқда. Форум сая-ҳаракати билан энг улуг, энг азиз айёмимиз арафасида яна қўллаб-қувватлаш иш-ишларини фойдаланишга топшириш кўзда тутилганлиги фикримиз исботидир.

**Азизахон ХОДЖАЕВА, «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» директори.**

# Мақтаб ярмаркалари

ота-оналар ва ўқувчиларга қулайликлар яратмоқда

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Мақтаб ярмаркаларини ташкил этишдан асосий мақсад, аввало, аҳолига қулайлик яратишдир, — дейди Халқ таълими вазири, таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи Файзулла Аҳмедов. — Ҳозир республикамиздаги 1066 та мақтаб ҳолида шундай ярмаркалар фаолияти йўлга қўйилган. Шу билан бирга, бундай ярмаркаларнинг 232 таси касб-

хунар таълим муассасаларида, 398 таси аҳоли гавжум бозорлар ҳудуди ва атрофида, 276 таси йирик савдо мажмуаларида ташкил этилган кўпчиликка манзур бўлаётган. Уларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли мақтаб товарлари, ўқув жиҳозлари арзон нархларда харидорларга тақдим этиляпти. Мазкур мақтаб бозорлари ва ярмаркалари асосий 26 турдаги ўқув қуроллари, болалар спорт формалари ҳамда пойбоззаларига бўлган эҳтиёж-

лар асосида шакллантирилди. Пойтахтимизнинг Юнусов туманида жойлашган 235-сонли умумтаълим мақтаби пойтахтдаги энг намунали таълим масканларидан бири саналади. 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб бу ерда тахсил олаётган ўқувчилар 1800 нафардан ошади. Шу кунларда мазкур ўқув маскани қошида ташкил этилган мақтаб ярмаркаси харидорлар билан гавжум. — Ярмарка хизматидан нафақат бизнинг ўқувчи-

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган танлов "Қадр-қимматим, танчим ва ифтихоримсан, муста-

# Ижодий салоҳият ва рағбат

қил Ўзбекистон!" деган эзгу ғояни эзда мужассам этди. Ижодий танловдан қўзланган асосий мақсад эришилган муваффақиятларнинг мазмун-моҳиятини адабий, тасвирий санъат, фотография, кино асарлари, оммавий ахборот воситалари орқали кенгрок очиб беришдир.

Танловга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган 321 нафар ижодкорнинг 3200 га яқин иланишлари тақдим этилган бўлса, ҳайъат қарорига қўра, улардан 26 нафарининг иши рағбатлантиришга муносиб, деб топилди. Жумладан, ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари бўйича Хосият Бобомуродова, босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари йўналишида "Маърифат" газетаси мухбири Несибали Мамбетризаева, телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари бўйича Кашқадарё вилояти телерадиокомпанияси бош муҳаррири Гулнора Мусаева, тасвирий санъат, фотоасарлари ва дизайн ишлари бўйича фотосуратчи Абдуғани Жумаев, кино санъати асарлари йўналишида драматург Эркин Аъзам биринчи ўринга лойиқ қўрилди. Шунингдек, ушбу йўналишларда яна бир қатор ижодкорлар рағбатлантирилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

ри ҳақида кенг жамоатчилик хабардор этиб борилмоқда. Хусусан, мустамаккачилик даврида мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида рўй берган, аммо тарихчи олимлар томонидан етарлилик ўрганилмаган ёки умуман тадқиқ этилмаган муҳим масалаларга оид ҳужжат ва материаллар, хотиралар илк бор эълон қилинаётган "Тарихнинг номалум саҳифалари" тўпламининг 2009, 2010, 2012 йилларда 3 та китоби чоп этилди. Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида мазкур тўпلامнинг 4-китоби нашр этилиши режалаштирилган.

Ўтмиш ва тарихни билиш, англаш барчамиз учун муҳимдир. Ўтганларни ёд олиш, хотирасини эъзозлаб яшаш эса халқимизга хос фазилатдир. Мустақиллик байрами арафасида эришилган ғалабаларни нишонлаш, бугунги кунимизга шукроналар айтиш аънанаси бардавом экан, Ватан озодлиги учун курашган ҳаюратларимиз ёди ва жасорати ҳамиша қалбларда эъзоз топаверади.

**Бахтиёр ҲАСАНОВ, «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи директори, «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди раиси. Мурод ЗИҚРУЛЛАЕВ, «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи директори ўринбосари.**

31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни

# Мангуликка муҳрланган эҳтиром

*Хотира — аждодларга ҳурмат ва эҳтиром ифодаси. Зеро, инсон хотира билан тирик, қадр билан улуг. Истиқболнинг илк йилларидан тарихий адолатни тиклаш, аждодларимизнинг эзгу ишлари, жасоратини улуглаш, шаҳидлар хотирасини абадийлаштириш, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламдаги ишлар халқимизнинг улмас қадриятлари, бебаҳо маънавий фазилатларини ўзида акс эттириб келмоқда.*

Хусусан, 1999 йил 12 майда Президентимиз Фармойиши билан мустамакка тузум қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси тузилиб, ўша йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг қарори билан "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси (ҳозирда жамоат фонди деб юритилади) ташкил этилди.

2000 йил 12 май куни Тошкентнинг Юнусов туманида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи очилди. Мустамаккачилик йилларида Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизнинг порлоқ хотираси ана

шу ёдгорликда ўз абадитини топди. Кўп фурсат ўтмай, "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида миллий меъморчилик анъаналарини ўзида мужассамлаштирган "Қатагон қурбонлари хотираси" музейининг дастлабки биноси барпо этилди. Киска муддат ичида ушбу маскан пойтахтимиздаги энг гавжум зиёратгоҳлардан бирига айланди.

Президентимизнинг 2008 йил 5 майдаги "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи фаолиятини янада тақомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мажмуида қўшимча қурилиш ишлари амалга оширилди, музей экспозицияси тубдан янгиланди. Шу тарихка юртимиз фуқаролари, ёш авлоднинг тарихга, тарихий ҳолатига бўлган муносабатини кучайтирган ҳолда миллий ўзлигини англаш, ўз тарихидан фахрланиш туйғусини уйғотишга ушбу масканда барча шарт-шароит яратилган.

Бугун "Шаҳидлар хотираси" майдони ҳамда музейда ўтказилаётган учрашув ва сўхбатлар зиёратчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Музей фаолиятини йўлга қўйишда замонавий дизайн ва техник воситалар, ахборот технологияларидан кенг фойдаланилганлиги, экспозиция таркибидеги 10 та сенсор киоски, 9 та

мониторга қатагон даврининг жарафоларини акс эттирувчи ноёб архив маълумотлари, хотиралар, интервьюлар, музӣий асарлар, видеоларҳалар ва сюжетлардан иборат ўша давр кўринишларини жойланганлиги музейга ташриф буюрувчилар қизиқишини оширмоқда. Музейга йилгига ўрта ҳисобда 50 мингга яқин зиёратчи ташриф буюраётгани фикри миз далилидир. Уларнинг аксарияти ёшлардан иборат эканлиги эса янада қувонarliдир. Биласиз, "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги илмий тадқиқот муассасаси ҳисобланади. Шунга қўра, фаолиятимизнинг асосий йўналишлари — халқимиз тарихининг муҳим саҳифаларидан бири бўлган мустамаккачилик даври, шу даврда рўй берган воқеаларни, мамлакатимизда яшаган кўп миллатли халқларнинг қатагон қилинишини бирламчи манбалар асосида атрофида илмий ўрганиш ва музей воситала-

ри билан акс эттириш, қатагон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, уларни ёд этиш билан боғлиқ маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш, илмий тўплам, монография ҳамда рисоалар нашр этишдан иборат. Мазкур мақсад ҳамда вазифалар "Шаҳидлар хотираси" жамоат фондининг фаолияти билан ҳам муштаракдир. Ана шу ўта масъулиятли ва шу билан бирга, хайрли вазифалардан келиб чиқиб, "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи ва "Шаҳидлар хотираси" жамоат фонди илмий ходимлари томонидан республикамизда айнан Ўзбекистоннинг мустамакка даври тарихини ўрганиш ва кенг жамоатчиликка эълон қилишда тарихшунос, сиёсатшунос, ҳуқуқшунос, файласуф, адабиётшунос олимлар, ёш тадқиқотчилар томонидан амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштиришга ҳам олоҳида эътибор қаратилмоқда. Музей ва жамоат фонди олиб бораётган илмий тадқиқот ишла-



Хосен ПАЙДОЕВ олинган суратлар.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

“Бу юртда ҳайратомуз янгилинишлар рўй бермоқда”



Мамлакатимиз Мустақиллигининг йигирма икки йиллиги билан ҳамроҳанг тарзда ўтказиладиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалини нафақат самарқандликлар, балки бутун халқимиз ва хорижлик санъат илҳосмандлари ҳам интизорлик билан кутишаётгани анжуманга қизғин тайёргарлик кўрилатган айни кунларда аяқол намойён бўлмоқда. Хусусан, Самарқандга ташриф буюрган хорижлик сайёҳларнинг “Шарқ тароналари” ҳақидаги таассуротлари фикримизни исботлаб турибди.

Ёҳум КЛАЙБЕХ, голландиялик сайёҳ:

— Ўзбекистон, унинг меҳмондўст халқи, сөркүёш юртингиз, гўзал тарихий шаҳар — Самарқанд ҳар қанча ардоғу эъзозга лойиқ, Шунинг учун тез-тез бу ерни соғиниб қоламан. Юрагим ҳарқибди, шу томонга келгим келаверади. Бундан икки йил олдин “Шарқ тароналари” саккизинчи мусиқа фестивалига қизғин тайёргарлик кўрилатган пайтда бе-қийёс диёрингизда меҳмон бўлгандим. Бу йил шаҳарда янада кўркам, гўзал манзараларга дуч келдим. Регистон улугворлашиб, кўкка буй чўзгандек туюлди. Юртдошларимга Ўзбекистон, Самарқанд, “Шарқ тароналари”, қалби дарё одамларингиз ҳақида доим ҳаяжон ва мароқ билан сўзлаб бераман.

Ольре БЮТЕФАН, Франция:

— Самарқандга сайёҳ сифатида ташриф буюриб, бу ерда халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик кўрилатганини эшитган, беихтиёр ҳаёлимда бир ёрқин хотира жонланди. 2011 йилда “Шарқ тароналари” саккизинчи халқаро мусиқа фестивалида италиялик санъаткор Аль Бано Карризининг “Ўзбекистон менинг юртим, унинг Президенти — менинг Президентим”, дея баралла овозда ташкидлаганлиги ҳамда Ўзбекистоннинг муқаддас тўпроғини таваф айлаганлигини ойнаи жаҳон орқали томоша қилиб нияҳотда таъсирланган эдим. Бугун Самарқандни, мамлакатингизда амалга оширилаётган ишларни кўриб, чиндан ҳам, ҳар қандай хорижлик “Қани эди, мен ҳам Ўзбекистонлик бўлсам”, дея орзу қиладиган юрт эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Чунки бу заминда рўй бераётган ҳам маънавий, ҳам иқтисодий янгилинишлар чиндан-да ҳайратомуз, чиндан-да улугвор.

М. ЗИЁДИНОВ ёзиб олди.



Корея миллий нефть корпорацияси Ўзбекистон халқини Мустақилликнинг 22 йиллиги билан ён билдан табриқлайди!



It is a great honor for Korea National Oil Corporation to congratulate the people of Uzbekistan with the 22th Anniversary of the Independence Day!



Эълонлар

Киска сатрларда

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида барқарор ривожланишга хизмат қиладиган инновацион ихтироларга бағишланган илмий-амалий семинар бўлди. Тадбир давомида Глобал экологик жағмагармининг кичик грантлар дастури доирасида мамлакатимиз илм-фан муассасалари олимлари ва амалиётчилар ҳамкорлигида ҳаётга татбиқ этилаётган экологик соф технологиялар ярмаркаси ўтказилди.

Пойтахтимизда “Ўзбекистон ипаги” ассоциациясининг жорий йилнинг ўтган даврида пиллачилик ва ипакичилик соҳасида амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар муҳомадига бағишланган йилги илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда ассоциациянинг пилла етиштириш, қайта ишлаш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича бажарилган юмушлар ва галдаги вазифалари юзасидан атрофлиқ фикрлашилди.

Марғилон шаҳрида Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси ташаббуси билан “Марғилон мушоираси” деб номланган ёшлар анжумани бўлиб ўтди. Мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишлаб ташкиллаштирилган маъзур тадбирда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидан ёш ижодкорлар қатнашди.

“Халқ сўзи” мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Аёллар фестивали

Жиззаҳда “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шиори остида ташкил этилган аёллар спорт фестивалининг вилоят босқичи якунланди.

ТАДБИР

— Шу йилнинг олти ойи давомида спортга жалб қилинган хотин-қизлар сони 24558 нафарни ташкил этди, — дейди вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Шаҳло Ахророва. — Айни пайтда ҳудуддаги болалик спорт иншоотларида салкам 40 минг нафар қиз-

лар спортнинг 12 тури билан мунтазам шугулланапти. Аёллар ва оилалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни спортга жалб этиш мақсадида вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида 100 га яқин тури спорт мусобақалари ўтказилди. Фестивалнинг шаҳар ва

туман босқичларида голиб бўлган 278 нафар спортчи аёл мусобақанинг вилоят босқичида спортнинг энгил атлетика, волейбол, стол тенниси, шахмат, дартс, сузиш, гимнастрада турлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Умумжамоа ҳисобида Жиззаҳ шаҳри жамоаси биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Кейинги ўринларни Жиззаҳ ҳамда Пахтакор туманлари вакиллари эгаллади.

Улугбек АДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУҶЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙҲАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 10 АВГУСТДАН 16 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

- I. Давлат рўйхатидан ўтказилди: 1. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган истеъмол товарларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 16 июлдаги 40, 67, 7, 01-02/8-16-сонли қарори. 2013 йил 12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2500 (2013 йил 19 августдан қўчга кирди). 2. «Факултада ҳолатларида Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоқлари ва ресурсларини марказлашган ҳолда боқаришининг умумий қоидаларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Мудофиа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фақултода вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2013 йил 26 июлдаги 43-мқ, 9, 60, 6, 23-сонли қарори. 2013 йил 12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1742-1 (2013 йил 19 августдан қўчга кирди). 3. «Факултада ҳолатларида телекоммуникациялар тармоқлари ва восталаридаги ўзгаришларни, улардан фойдаланишни тўхатиб қўйиш ёки чеклаш тартиби тўғрисидаги низомага ўзгаришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Мудофиа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фақултода вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2013 йил 26 июлдаги 42-мқ, 10, 61, 7, 24-сонли қарори. 2013 йил 12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1743-1 (2013 йил 19 августдан қўчга кирди). 4. «Ўзбекистон — Туркманистон чегарасини кесиб ўтишда рўйхатга олиш йўналишини тўлаш учун маблағлар бериш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низоми тасдиқлаш ҳақида» қарорини ўз қўли билан қўйган деб топилган тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг 2013 йил 27 июлдаги 14/3, 71, 7/8-сонли қарори. 2013 йил 12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1478-1 (2013 йил 19 августдан қўчга кирди). 5. «Йилпорт шартномаларини ҳисобга қўйиш ва улар тўловини ҳўжалик субъектларининг ўз вақтида маблағлари ҳисобидан амалга ошириш тартиби тўғрисида низомага ўзгариш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 27 июлдаги 14/2, 37, 69, 01-02/19-9-сонли қарори. 2013 йил 12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1514-5 (2013 йил 19 августдан қўчга кирди). 6. «Бўғалтерия ҳисобининг миллий стандарти (20-сонли ЕХМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан бўғалтерия ҳисобини юрғитишнинг соддалаштирилган тартибини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2013 йил 16 июлдаги 70-сонли бўйруғи.

- 2013 йил 14 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2501 (2013 йил 19 августдан қўчга кирди). 7. «Чипта-ҳисоб ва йўл варақаларини тўлдириб бўйича йўриқнома ўзгаришлари ва қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 15 июлдаги 8-сонли бўйруғи. 2013 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1282-2 (2013 йил 19 августдан қўчга кирди). 8. «Ломбардлар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида низомага ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 27 июлдаги 14/12-сонли қарори. 2013 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1291-3 (2013 йил 19 августдан қўчга кирди). 9. «Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомага ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 27 июлдаги 14/13-сонли қарори. 2013 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2093-4 (2013 йил 19 августдан қўчга кирди).

- II. Давлат реестридан чиқарилиди: 1. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган истеъмол товарларининг рўйхати», 1-сон ўзгариши (рўйхат рақами 1853, 2008 йил 9 сентябрь), (рўйхат рақами 1853-1, 2009 йил 27 июнь), Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг қарори билан тасдиқланган. Адлия вазирлигининг 2013 йил 12 августдаги 243-мқ-сон бўйруғи билан давлат реестридан чиқарилиди. 2. «Ўзбекистон — Туркманистон чегарасини кесиб ўтишда рўйхатга олиш йўналишини тўлаш учун маблағлар бериш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низоми тасдиқлаш ҳақида» қарорини ўз қўли билан қўйган деб топилган тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Бўғалтерия ҳисобининг миллий стандарти (20-сонли ЕХМС), 1-2-сон ўзгаришлари (рўйхат рақами 879, 2000 йил 24 январь), (рўйхат рақами 879-1, 2003 йил 13 октябрь), (рўйхат рақами 879-2, 2006 йил 11 июль), Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг бўйруғи билан тасдиқланган. Адлия вазирлигининг 2013 йил 14 августдаги 248-мқ-сон бўйруғи билан давлат реестридан чиқарилиди. Маъзур ҳўжатлар қўчма нусхалари кўчатириш қиритиши юрғитиш янги норматив-ҳўқуқий ҳўжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилиди.

ЎАЖ «Ўзбек Лизинг Интернешнл А.О.» ҚҚ лизинг компанияси аввал «Раҳмонов То'учибой Раҳмонович» ФХга тегишли бўлган қўйидаги қўчмас мулклар сотилиши ҳақида эълон қилади: 1. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун музлаткич, майдони — 766,00 кв.м. 2. Устахона биноси, умумий майдони — 528,78 кв.м., шундан фойдаланиш майдони — 480,87 кв.м. Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Мустақиллик қўчаси, 132-уй. Қўчмас мулкларни сотиб олиш бўйича тўлиқ маълумотни юқоридаги манзилдан олиш мумкин. Телефон: (+99871) 120-02-02. Масъул шахс — Холтураев Сухроб.

“Ўзбеккино” Миллий агентлиги, Ўзбекистон Киноарбоблар бирлашмаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, кино актёри Диас Нигматович РАҲМАТОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этади. “Ўзбекгидроэнергоқурилиш” ОАЖ жамоаси “АнтрениИЭСқурилиш” шўба корхонасининг директори Мирзали Рузиева акаси Йўлдош РУЗИЕВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади. Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва қасаба уюшма қўмитаси Эконометрика кафедраси мудири, профессор Раимжон Алимовга волидаи муҳтарамаси ҲИМОИЛ аянинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади. I. Аукцион савдосига Олтинсой тумани СИБ томонидан қўйидаги қўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. ФИБ Денов туманлараро судининг 2011 йил 19 октябрдаги 1-1830-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтинсой тумани, «Чеп» ҚФЙ, Ипоқ маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м. бўлган, 10 хонадан иборат, бир қаватли, 2010 йилда қурилган тураржой. Бошланғич баҳоси — 37 680 000 сўм. 2. ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 16 октябрдаги 1-1833-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтинсой тумани, «Чеп» ҚФЙ, Ипоқ маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м. бўлган, 11 хонадан иборат, бир қаватли, 2010 йилда қурилган тураржой. Бошланғич баҳоси — 61 781 250 сўм. 3. ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 18 сентябрдаги 1-1639-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтинсой тумани, «Чеп» ҚФЙ, Ипоқ маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м. бўлган, 10 хонадан иборат, бир қаватли, 2010 йилда қурилган тураржой. Бошланғич баҳоси — 56 571 250 сўм. 4. ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 16 октябрдаги 1-1844-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтинсой тумани, «Чеп» ҚФЙ, Ипоқ маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м. бўлган, 11 хонадан иборат, бир қаватли, 2010 йилда қурилган тураржой. Бошланғич баҳоси — 56 571 250 сўм. 5. ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 16 октябрдаги 1-1846-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтинсой тумани, «Чеп» ҚФЙ, Ипоқ маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м. бўлган, 11 хонадан иборат, бир қаватли, 2010 йилда қурилган тураржой. Бошланғич баҳоси — 61 781 250 сўм. 6. ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 16 октябрдаги 1-1835-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтинсой тумани, «Чеп» ҚФЙ, Ипоқ маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м. бўлган, 10 хонадан иборат, бир қаватли, 2010 йилда қурилган тураржой. Бошланғич баҳоси — 56 571 250 сўм. 7. ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 16 октябрдаги 1-1830-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтинсой тумани, «Чеп» ҚФЙ, Ипоқ маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м. бўлган, 11 хонадан иборат, бир қаватли, 2010 йилда қурилган тураржой. Бошланғич баҳоси — 61 781 250 сўм. 8. ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 18 сентябрдаги 1-1648-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтинсой тумани, «Чеп» ҚФЙ, Ипоқ маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м. бўлган, 10 хонадан иборат, бир қаватли, 2010 йилда қурилган тураржой. Бошланғич баҳоси — 56 571 250 сўм. 9. ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 16 октябрдаги 1-1834-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтинсой тумани, «Чеп» ҚФЙ, Ипоқ маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м. бўлган, 11 хонадан иборат, бир қаватли, 2010 йилда қурилган тураржой. Бошланғич баҳоси — 61 781 250 сўм. 10. ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 16 октябрдаги 1-1836-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтинсой тумани, «Чеп» ҚФЙ, Ипоқ маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м. бўлган, 10 хонадан иборат, бир қаватли, 2010 йилда қурилган тураржой. Бошланғич баҳоси — 56 571 250 сўм. 11. ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 16 октябрдаги 1-1843-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтинсой тумани, «Чеп» ҚФЙ, Ипоқ маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м. бўлган, 11 хонадан иборат, бир қаватли, 2010 йилда қурилган тураржой. Бошланғич баҳоси — 61 781 250 сўм. II. Аукцион савдосига Шеробод тумани СИБ томонидан ФИБ Шеробод туманлараро судининг 2012 йил 23 январдаги 1-1600-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шеробод тумани, Катта ҳаёт маҳалласи, Мустақиллик қўчасида жойлашган, умумий майдони 166,5 кв.м. бўлган, 4 хонадан иборат, бир қаватли, «Тароқли» номли хусусий дўкон-ошона тақоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 89 595 694, 8 сўм. III. Аукцион савдосига Шеробод тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти ҳўжалик судининг 2008 йил 23 июндаги 19-0804-2835-сонли ва 2010 йил 17 майдаги 19-1007/6418-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Шеробод тумани, «Таллашқон» ҚФЙ, Бойқишлоқ маҳалласида жойлашган, «Пахтабод техник муҳандис» ММТПга тегишли, умумий майдони 158,4 кв.м., 6 хонадан иборат, бир қаватли, дала шийбонини биносининг бир қисми, ошона айвони биноси (А ва Б литер) тақоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 6 843 483, 45 сўм. IV. Аукцион савдосига Жарқўрган тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти ҳўжалик судининг 2012 йил 21 августдаги 19-1206/6636-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жарқўрган тумани, Махтумқули қўчасида жойлашган, «ШАВВОНА-ФАҶЗ» МЧЖга тегишли, умумий майдони 25,01 кв.м., 1998 йилда қурилган, бир хонадан иборат, бир қаватли маийий хизмат кўрсатиш биноси тақоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 77 187 660 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 9 сентябрь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати — 2013 йил 6 сентябрь кўни соат 18.00. Қўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилири бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519. Бўртманомалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф. Ҳўжаев қўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси; 2-қават; 6-хона. Телефон: (8-376) 227-57-94. www.1kms.uz. rieltstavdo@inbox.uz

Лицензия: RR-0001



**«ЎЗБЕКИСТОН  
МЕТАЛЛУРГИЯ  
КОМБИНАТИ» ОАЖ**  
ЖАМОАСИ

*меҳнатсевар  
халқимизни улуг сана —*

**Мустақиллик кунни  
билан муборакбод этади!**

*Шундай фараҳли кунларда барчангизга  
муштаҳкам соғлиқ, хушқайфият,  
оилавий бахт, шодумонлик тилаймиз!*

*Гўзал диёримиздан тинчлик-осойишталик,  
фаровонлик, меҳру оқибат тоабод  
аримасин!*



**ХУСУСИЙ ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT**

**htb «HI-TECH BANK»**  
hi-tech bank

**ЖАМОАСИ**

*барча юртдошларимизни,  
ўз акциядор ва мижозларини  
ҳамда ҳамкорларини республикаимиз*

**Мустақиллигининг  
22 айёми билан қутлайди!**  
**Йиллик**

*Ўзбекона лутф, бағрикенглик,  
мардлик ва тантлилик сизу  
бизни асло тарк этмасин!*

*Эл-юртимиз омон,  
осмонимиз мусаффо,  
Мустақиллигимиз  
абადий бўлсин!*



**Муддатли омонат  
«Муборак»**

Омонат муддати — 1 ой.  
Бошланғич тўлов — 10 000 000 сўм.  
Фойзалар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.  
Омонатга маблағ қабул қилиш — 2013 йил 5 сентябргача.

ХИЗМАТЛАР  
ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

**Банк фаровонлигиниз учун ҳамisha хизматингизда!**

**SAVDOSAR BANK**

Чет эл капитали иштирокидаги  
**«САВДОГАР»**  
очик акциядорлик тижорат банки жамоаси

Ўзбекистон халқини, ўз акциядорлари ва мижозларини,  
барча ҳамкасбларини

**Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунни**

**байрами билан чин дилдан табриклайди!**  
Мамлакатимиз иқтисодиётини тараққий эттириш йўлида  
ҳормай-толмай меҳнат қилаётган барча юртдошларимизга соғлиқ-омонлик,  
оилаларига тинчлик-хотиржамлик тилайди!

**Сиз, азизларни  
ўзаро манфаатли ҳамкорликка  
чорлаймиз!**



**«MAXLAS» МЧЖ**

боғдорчилик ҳамда қишлоқ  
хўжалиги экинларини  
дорилашда фойдаланиладиган

**МОТОРЛИ  
ПУРКАГИЧНИ**  
таклиф этади.

Моторли пуркагич  
бир дақиқада  
4 литр суьлтирилган  
кимёвий ҳамда  
6 килограмм кукунли  
дори воситаларини  
сепиш қувватига эга.

*Тўлов — исалган шаклда.*

Мурожаат учун телефонлар:  
(+99895) 170-17-56,  
(+99895) 177-17-56.  
Факс: (8-371) 234-62-33.  
E-mail: maxlas62@mail.ru

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.  
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯГА ЭГА.



### Аҳолига байрам туҳфаси

Қорақўл тумани кўп тармоқли поликлиникаси янги бинога кўчиб ўтди. Мазкур иншоот қурилишига давлатимиз томонидан бир миллиард 365 миллион сўм сарфланди.

### САЛОМАТЛИК

Ҳозир бу ерда илғор тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида беморларга аниқ ташхис қўйиш имконияти мавжуд. Аҳолини хурсанд қилган яна бир жиҳати, аввалги бинодан фарқли тарзда янги-сининг туман марказий шифохонаси билан ёнма-ён бунёд этилгандир. Бу бе-

мор вақтини тежаш, унга тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради. Дарвоқе, туман марказий шифохонасида ҳам айни дамда таъмирлаш юмушлари бормоқда. Бу мақсад учун 1,5 миллиард сўм ажратилган.

Истам **ИБРОҲИМОВ**,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 79 620 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Оринов.  
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.  
Навбатчи — С. Махсумов.  
Мусахҳиш — Ш. Машраббев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5